

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АШУРАЛИЕВА НИЛУФАРХОН ДИЛШОД ҚИЗИ

**ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНГ ЭТИОЛОГИК, ЭПИДЕМИОЛОГИК,
КЛИНИК, ДИАГНОСТИК ВА ПРОФИЛАКТИК ЖИҲАТЛАРИ
(ПЕРСПЕКТИВ ТАҲЛОВ СКРИНИНГИ)**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Ашуралиева Нилуфархон Дилшод кизи

Жигар циррозининг этиологик, эпидемиологик, клиник, диагностик ва профилактик жихатлари (перспектив танлов скрининги)..... 3

Ашуралиева Нилуфархон Дилшод кизи

Этиологические, эпидемиологические, клинико-диагностические и профилактические аспекты цирроза печени (перспективный выборочный скрининг)..... 28

Ashuralieva Nilufarkhon Dilshod kizi

Etiological, epidemiological, clinical, diagnostic and preventive aspects of liver cirrhosis (perspective selective screening)..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 64

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АШУРАЛИЕВА НИЛУФАРХОН ДИЛШОД ҚИЗИ

**ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНГ ЭТИОЛОГИК, ЭПИДЕМИОЛОГИК,
КЛИНИК, ДИАГНОСТИК ВА ПРОФИЛАКТИК ЖИҲАТЛАРИ
(ПЕРСПЕКТИВ ТАҲЛОВ СКРИНИНГИ)**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib195рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме))тилда Илмий кенгаш веб саҳифасида (adti.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziynet.uz) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мамасалиев Нематжон Солиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Жўраева Мохигул Азимжановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Гадаев Абдигаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирсайдуллаев Мирмахмуд Миршоҳидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «_____» даги _____-сонли баённомаси).

И.Ю.Маматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, кимё
фанлари доктори, профессор

Д.З.Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.С. Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда 2017 йилда жигар циррозидан 1,32 миллиондан ортиқ ўлим ҳолатлари кузатилган ҳамда, уларнинг 440 мингтасини аёллар ва 883 мингтасинини эркеклар ташкил этган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) башоратларига кўра популяциядаги умумий «...йилига ўлим кўрсаткичларини 2,4% ташкил этади...»¹. Жигар циррози инсонлардаги хасталиклар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, меҳнатга лаёқатсизлик сабаблари ва ўлим кўрсаткичларини ортиши бўйича сурункали касалликлар ўнталигига киради. Замонавий терапия ютуқлари ва охириги йилларда жигар трансплантацияси ривожланишига қарамай кейинги 10-20 йил ичида жигар касалликларидан ўлим 2 баробарга ортиши кутилмоқда. Жигар циррози билан хасталанган беморлар кўпинча интенсив терапияни талаб қилади ва тез-тез касалхонага ётқизилиш зарурати билан, соғлиқни сақлаш учун катта юклама ва иқтисодий харажатлар талаб этади.

Жаҳонда жигар циррозининг тарқалиши, хатар омиллари билан ассоциацияланиши, профилактикасининг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ЖЦнинг зурайиб бориши турли тизимлар ва органларга таъсир қилувчи бир қатор асоратларни тез ривожланишига олиб келиши касалликнинг ҳаёт давомийлиги билан белгиланган. Декомпенсация ҳолати одатда асцит, ошқозон ва қизилўнғач варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш, энцефалопатия, инфекцион асоратлар билан оғирлашганлиги исботланган. Ўлимнинг асосий сабабларидан бири асосан юқори ошқозон ичакдан қон кетиш (6–40 %), энцефалопатия (30 %) ва инфекцион асоратлардан (30 %) – пневмония, спонтан бактериал перитонит, сийдик инфекциялар кузатилганлиги аниқланди.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ҳизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликни олдини олиш» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида жигар циррози аниқланган беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифатини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири бўлиши алоҳида касб этади.

¹GBD 2017 Cirrhosis Collaborators. The global, regional, and national burden of cirrhosis by cause in 195 countries and territories, 1990–2017: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2017. *Lancet Gastroenterol Hepatol.* 2020 Mar;5(3):245-266. doi: 10.1016/S2468-1253(19)30349-8. Epub 2020 Jan 22. PMID: 31981519; PMCID: PMC7026710.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-215-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Профилактик тиббиётни илмий ва амалий гастроэнтерологияга фаол жорий этиш борасида сўнги йилларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда [Mehta M. et al., 2016, Шевырин А.А. ва б.қ. 2018; Kulikov E.S. et al., 2021;]. Жаҳонда кўплаб давлатларда жигар касалликлари, жумладан унинг циррози бўйича катта ҳажмдаги илмий кузатишлар ўтказилган. Улардан бирида 1990-2017 йилларда 195 та мамлакатда олиб борилган тадқиқотда жигар циррозини тарқалиш даражаси ўрганилган. Жумладан, Марказий Осиё республикаларида ўтказилган кузатувларда аниқланишича сўнги 30 йил давомида жигар циррози декомпенсация босқичида аниқланган беморлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Улар орасида вирусли гепатит В ва С улуши юқори бўлиб, айниқса бу кўрсаткич иқтисодий ривожланиш даражаси паст мамлакатларда кўпроқ учрайди.

Маълумки, жигар циррози ушбу аъзо касалликларининг охириги босқичи ҳисобланиб унда томирлар йўналишларини ўзгариши ва тугунчалар ҳосил бўлиши билан инсон организмга жиддий оғир асоратларга олиб келади ва ҳозирги кунда ҳам ушбу касаллик зўрайиши муҳим тиббий ва социал муаммо бўлиб қолмоқда. Жигар циррози, цирроз рақни ҳисобга олганда сурункали жигар касалликлари орасида 85-95% ҳолларда ўлим билан якунланади.

Ҳозирги кунда, этиологик омилдан қатъий назар, жигар циррози билан хасталанган беморлар ўлими бир ёки бир нечта асоратлар сабабли юзага келади. Булар ошқозон ва қизилўнгач варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши, жигар энцефалопатияси, гепатоцеллюляр карцинома ва инфекция каби асоратлар ҳисобланади. Қайд этилган ҳолатларни башоратлаш,

минтақавий шароитдан келиб чиқиб этиологик омилларни ўрганиш нафақат илмий балки амалий тиббиётнинг ҳам долзарб муаммоси саналади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-201205194-сонли «Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сурункали ноинфекцион касалликларни эпидемиологиясини ўрганиш, даволашни такомиллаштириш йўллари ва олдини олиш бўйича илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш», ҳамда 04 август 2021 йилда имзоланган 149/14 сонли «Гепатитлар ва ошқозон ичак тизими касалликларини диагностикаси, даволаш ва профилактика қилиш бўйича инновацион усул» номли тижоратлаштиришга тайёрлаш бўйича инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади; Андижон вилояти қишлоқ аҳолиси орасида жигар циррозининг этиологик, эпидемиологик ва клиник ҳамда диагностик хусусиятларини ўрганиш, унинг профилактика чора тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон вилояти қишлоқ аҳолиси орасида 2017-2021 йилларда сурункали жигар касалликлари тарқалишини ретроспектив ўрганиш;

текширувга жалб этилган беморларда жигар циррози касаллигини келтириб чиқарувчи ва унинг ривожланишида етакчи ўрин тутувчи хавф омилларини ёшга кўра баҳолаш;

жигар циррози билан хасталанган беморлар қонида қисқа занжирли пептид холецистокинин-8 даражасини ортишини ва уни ошқозонда ўзгаришлар чақиришини исботлаш;

жигар циррозининг асоратларини эрта аниқлаш ва уларни ошқозон ичак тизимининг юқори қисмидаги ўзгаришлар билан боғлиқлигини баҳолаш;

жигар циррози билан хасталанган беморларни ташхислаш, даволаш ва профилактика чораларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти Мархамат туманида яшовчи репрезентатив популяцияда 89 нафар турли этиологияли жигар циррози билан беморлар танланган. Уларнинг 41 нафарини сурункали вирусли гепатит В ва 39 нафарини сурункали вирусли гепатит С негизида, 7 нафарини алкохол ва 2 нафарини номаълум этиологияли жигар циррози билан хасталанган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида жигар циррози билан хасталанган беморларнинг веноз қонидан олинган намуналарни умумий, иммунологик ҳамда биокимёвий текшириш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, умумклиник, инструментал, лаборатор, шу жумладан биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: жигар циррозларида ошқозондаги ўзгаришларни қонда қисқа занжирли пептид ХЦК-8 аниқлаш ёрдамида атрофик гастритни эрта баҳолаш ва юқори ошқозон ичак тизимидан қон

кетишни олдини олиши асосланган;

турли этиологияли жигар циррозида қонда қисқа занжирли пептид холецистокинин-8 ни текшириш ёрдамида сурункали атрофик гастрит кузатилиши аниқланган;

вирусли гепатит В негизида ривожланган жигар циррози 46,1% кузатилиб, С вирусли жигар циррозига нисбатан тарқалиши кўпроқ эканлиги аниқланган;

вирусли жигар циррози билан хасталанган беморларда протеаза ингибитори апротинин ва ХЦК-1 рецептори блокатори итоприд гидрохлорид каби янги фармакологик комбинацияни даволаш усули қўллаш самарали эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат;

турли этиологияли жигар циррозида қонда қисқа занжирли пептид холецистокинин-8 ва гастрин-17 ни ортиши билан ошқозонда пепсиноген 1 ва 2 пасайиши туфайли сурункали атрофик гастритни ривожланиши туфайли портал гипертоник гастропатияда қон кетиш хавфи ортишини олдини олиш мумкинлиги тасдиқланган;

жигар циррозларида қонда қисқа занжирли пептид холецистокинин – 8 (ХЦК-8) аниқлаш ёрдамида ошқозондаги ўзгаришларни диагностик маркери сифатида қўллаш асосланган;

турли этиологияли жигар циррозида қонда қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ва гастрин-17 ортиши туфайли ошқозон перисталтикаси пасайиши ва овқат туриб қолиши натижасида ошқозон шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар портал гипертоник гастропатиядан қон кетиш фоизи ортишига сабаб бўлиши мумкинлиги асосланган;

вирусли гепатит В негизида ривожланган жигар циррози 46,1% кузатилиб, С вирусли жигар циррозига нисбатан тарқалиши кўпроқ эканлиги аниқланган;

қишлоқ аҳолиси популяциясида вирусли жигар циррози билан хасталанган беморларда протеаза ингибитори апротинин ва ХЦК-1 рецептори антагонисти итоприд гидрохлорид билан бирга ошқозон харакатини яхшиловчи ва секрециясини меъёрлаштирувчи янги фармакологик комбинацияни даволаш усули сифатида қўллаш исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар илмий-назарий аҳамиятга эга бўлиб, турли этиологияли жигар циррозида ошқозон касаллиги хусусан атрофик гастритни эрта ташхислашда

қўлланиладиган замонавий маркерлардан фойдаланиш билан ундан яширин қон кетиш жараёнларини эрта аниқлашга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши жигар циррозида кузатиладиган ошқозон ичак тизимининг юқори қисмидан қон кетишга мойиллик ҳолатини ўз вақтида аниқлаб монанд даво чораларини қўллаш жигар циррозида патологик жараённи барқарорлаштириши, беморларни шифохонага қайта ётишлари сонини камайишига ва ҳаёт давомийлиги узайишига олиб келишига имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 30 ноябрдаги 6 і-46/и сонли ҳулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 29-декабрдаги 6і-41/Х-сонли хати юборилган);

биринчи илмий янгилик: турли этиологияли жигар циррозида қонда қисқа занжирли пептид холецистокинин-8 ва гастрин-17 ни ортиши билан ошқозонда пепсиноген 1 ва 2 пасайиши туфайли сурункали атрофик гастритни ривожланиши туфайли портал гипертоник гастропатияда қон кетиш хавфи ортишини олдини олиш мумкинлиги тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси шошилинич тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Наманган филиали, (26 ноябр 2023 йил 165/13 сонли буйруғи), Ўзбекистон Республикаси шошилинич тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиали (26 ноябр 2023 йил 173 сонли буйруғи) ва Андижон вилояти Мархамат тумани ТТБ (30 ноябр 2023 йил 59 сонли буйруғи) билан терапевтик даволаш муассасаларида амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Андижон вилояти қишлоқ аҳолиси орасида жигар циррозида ривожланган юқори ошқозон ичак соҳа тизимига эътиборни кучайтириш, профилактик чора тадбирларни янада жадаллаштириш, қишлоқ аҳолиси орасида тиббий кўрик сифатини ортиради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўлим сабабларини қисқартириш натижасида беморлар ҳаёт сифатини узайиши, стационарда ётиш кунларини қисқариши, қўшимча қимматбаҳо текшириш усулларини камайиши, даволаш услублари қўлланилганда қўшимча текширишлар ўтказилиши талаб этилмайди, қўлланиладиган патогенетик даво амбулатор равишда давом этиш тавсиясига асосланиб тадқиқотга талаб этиладиган даво вақти 12 кундан 7 кунгача (1 кунлик ётоқ 250000, дори дармон 1600000 даво курсига) қисқартирилиши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (анъанавий ташҳис даволаш усулнинг ўртача нархи 1-бемор учун бюджет ҳисобидан 4600000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усул билан текшириб олиб бориш 7 кун булади ва нархи эса 3350000 сўмни ташкил этади. *Ҳулоса:* Андижон вилояти қишлоқ аҳолиси орасида ретроспектив текширув натижасида сурункали жигар касалликлари орасида асосий ўлим сабаблари 55% ҳолатда юқори ошқозон ичак соҳа тизимидан қон кетиши натижасида кузатилган ҳолатни тавсия этилган даволаш усулдан фойдаланган ҳолда муолажаларни ўтказиш вақтини 1-1,5 баробар қисқартириб, диагностика

қилиш ҳисобига бюджет маблағларини 1250000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: жигар циррозларида қонда қисқа занжирли пептид холецистокинин – 8 (ХЦК-8) аниқлаш ёрдамида ошқозондаги ўзгаришларни диагностик маркери сифатида қўллаш асосланган. Ўзбекистон Республикаси шошилич тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Наманган филиали, (26 ноябр 2023 йил 165/13 сонли буйруғи), Ўзбекистон Республикаси шошилич тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиали (26 ноябр 2023 йил 173 сонли буйруғи) ва Андижон вилояти Мархамат тумани ТТБ (30 ноябр 2023 йил 59 сонли буйруғи) билан терапевтик даволаш муассасаларида амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: алкоголь этиологияли жигар циррози 60-69 ёшда, вирус этиологияли 40-49 ёшда ва номаълум этиологияли жигар циррози 20-29 ёшда диагностика ва даволашда жигар циррози билан хасталанган беморларда юқори ошқозон ичак тизимидан қон кетиш профилактикасини ўтказиш ва патогенетик терапияни ўз вақтида ўтказиш аҳолига эътибор ортиши билан уларда розилик хиссини туғдиради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: алкоголь этиологияли жигар циррози 60-69 ёшда, вирус этиологияли 40-49 ёшда ва номаълум этиологияли жигар циррози 20-29 ёшда диагностика ва даволашда ўз вақтида юқори ошқозон тизими касалликларни аниқлаш қон кетиш хавфини камайтиради. *Хулоса:* беморларда этиологик омил билан боғлиқ ёшни эътиборга олган ҳолда, юқори ошқозон ичак тизимидан қон кетиш хавфини ўз вақтида олдини олиш жигар циррозидан ўлим кўрсаткичини камайтиради, ҳаёт давомийлигини ортиради;

учинчи илмий янгилик турли этиологияли жигар циррозидида қонда қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ва гастрин-17 ортиши туфайли ошқозон перисталтикаси пасайиши ва овқат туриб қолиши натижасида ошқозон шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар портал гипертоник гастропатиядан қон кетиш фоизи ортишига сабаб бўлиши мумкинлиги асосланган. Ўзбекистон Республикаси шошилич тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Наманган филиали, (26 ноябр 2023 йил 165/13 сонли буйруғи), Ўзбекистон Республикаси шошилич тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиали (26 ноябр 2023 йил 173 сонли буйруғи) ва Андижон вилояти Мархамат тумани ТТБ (30 ноябр 2023 йил 59 сонли буйруғи) билан терапевтик даволаш муассасаларида амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: турли этиологияли жигар циррозидида қонда холецистокинин -8 ва гастрин -17 миқдорини пасайтиришга йўналтирилган дори дармонлар ошқозонда атрофик гастритни ривожланиши ва юқори ошқозон ичак тизими касалликларининг ривожланишини олдини олади ва жигар циррозидан ўлим кўрсаткичини 80% дан 50% га камайтиришга эришилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Беморларда юқори ошқозон ичак тизимидан қон кетиш олдини олишда бир беморга кетган квалификациян даво чоралар камайтирилади, интенсив назорат талаб этилмайди стационарда

сурункали қон кетиш билан асоратланган жигар циррози билан хасталанган беморларда даволаниш кунлари кискартирилади, юқори ошқозон тизимидан зимдан сурункали қон кетиш ҳолати ва камқонлик синдроми кузатилмайди. Интенсив назорат талаб этилмагани туфайли беморни стационарда даволаниши иқтисод қилинади, ўртача 3-5 кунга, бир кунлик ётоқни 250000 хисоблаган ҳолатда 750000 дан 1250000 сўм иқтисод қилишга эришилади. *Хулоса:* турли этиологияли жигар циррозида қонда холецистокинин -8 ва гастрин -17 миқдорини пасайтиришга йўналтирилган дори дармонлар ошқозонда атрофик гастритни ривожланиши ва юқори ошқозон ичак тизими касалликларининг ривожланишини олдини олади ва жигар циррозидан ўлим кўрсаткичини 80% дан 50% га камайтиришга эришилади;

тўртинчи илмий янгиликнинг моҳияти: қишлоқ аҳолиси популяциясида вирусли жигар циррози билан хасталанган беморларда протеаза ингибитори апротинин ва ХЦК-1 рецептори антагонисти итоприд гидрохлорид билан бирга ошқозон ҳаракатини яхшиловчи ва секрециясини меъёрлаштирувчи янги фармакологик комбинацияни даволаш усули сифатида қўллаш исботланган. Ўзбекистон Республикаси шошилиш тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Наманган филиали, (26 ноябр 2023 йил 165/13 сонли буйруғи), Ўзбекистон Республикаси шошилиш тиббий ёрдам илмий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиали (26 ноябр 2023 йил 173 сонли буйруғи) ва Андижон вилояти Мархамат тумани ТТБ (30 ноябр 2023 йил 59 сонли буйруғи) билан терапевтик даволаш муассасаларида амалиётга жорий этилди. *Илмий ишнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагича; таклиф этилган фармакологик комбинация жигар циррозида беморларни стандарт даволашга қўшимча қилиб даволаш натижасида беморларда юқори ошқозон тизими касалликларини ривожланиши олди олинади, пепсиноген 1, 2 меъёрлашади, меъда пассажи яхшиланади қон кетиш хавфи камаяди, даволаниш учун кетган ўртача ҳаражатлар нархи иқтисод этилади. *Илмий ишнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат; тавсия этилган фармакологик комбинация жигар циррози билан хасталанган беморларни патогенетик даволаш натижасида иқтисодий самарадорликни юқорилиги 73% гача маблағлар тежалишига эришилди. 12 кундан 7 кунгача (1 кунлик ётоқ 250000, дори дармон 1600000 даво курсига) қискартирилиши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (анъанавий ташҳис даволаш усулининг ўртача нархи 1-бемор учун бюджет ҳисобидан 4 600 000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усул билан текшириб олиб бориш 7 кун булади ва нархи эса 3350000 сўмни ташкил этади). *Хулоса:* Жигар циррозининг комплекс терапиясида ХЦК-1 рецептори антагонисти итоприд гидрохлорид ва протеаза ингибитори апротинин фармакологик комбинацияси қўллаган ҳолда, уларни гастропротектив ва қон тўхтатувчи хусусиятлари юқори ошқозон ичак тизими касалликларининг фаолиятини меъёрлаштиради ва клиницистларни даволаш алгоритминини тўғри танланишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва кискартмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга эҳтиёж асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан технологиялари устивор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларининг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли маълумотлар, хусусан жигар циррози тарқалишининг статистикаси, этиопатогенетик жихатлари, асоратларининг замонавий талқини, портал гипертоник гастропатиянинг кечишида ошқозон шиллик қаватларининг аҳамияти, ошқозон ичак тизимининг юқори қисмидан қон кетишининг профилактикаси, даволаш ва шифохонада ётқизиш ҳолатларини ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий таснифи, лаборатория ва асбобий тадқиқот текшириш усуллари ҳамда олинган натижаларни статистик қайта ишлаш маълумотлари келтирилган.

Ретроспектив текшириш учун 5 йиллик Андижон вилояти Мархамат тумани тиббиёт бўлими ҳисоботлари олинган. Ошқозон ичак тизими ва жигар касалликлари билан хасталаниш, уларни тарқалиши, ўлим кўрсаткичи ҳамда унинг сабаблари бўйича 2017-2021 йиллардаги давлат статистика маълумотларига кўра ретроспектив таҳлил қилинди. Ушбу даврда Мархамат туманида катта ёшдаги аҳоли орасида 2017 й.-3800, 2018- 4200, 2019 й. – 4103, 2020 йилда - 6779 нафар, 2021 йилда 7312 нафар беморлар кузатилиб ошқозон ичак тизими касалликлари билан хасталаниш ортиб борган ($p = 0,043$). Шу билан бир қаторда жигар касалликлари (жигар циррози ва гепатитлар) сони ҳам муқим равишда кўпайган ва ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 2017 й - 870, 2018 й -1014, 2019 й - 460, 2020 й - 1051 нафар ва 2021 йилда- 1107 нафар бўлиб ($p < 0,0001$), бир йилда ўртача 4,15 % ортиши кузатилган (95 % ДИ: 3,67–4,94).

Ундан сўнг Мархамат туманида яшовчи 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган 34 оилавий поликлиника назоратидаги 6952 нафар беморларни 10 % репрезентатив танлов асосида текширилди. Танловга 694 нафар аҳоли жалб

этилди. Текширишга розилик берганлар 605 нафар улардан 189 (93,1%) эркаклар ва 416 (84,7%) аёллар ташкил этди. Умумий популяцияга нисбатан 89 нафар жигар циррози билан касалланганлар аниқланди ва улар текширувлардан ўтказилдилар. Текширилганларнинг 39 нафари ижобий HCV кўрсаткичларига эга бўлди, 41 нафаридан HBV инфекциясининг ижобий серологик маркерлари мавжудлиги тасдиқланди, 7 нафарини алкохол ва 2 нафарини номаълум этиологияли беморлар ташкил этдилар. Барча гуруҳдаги беморларда клиник ва лаборатор текширувлар ўтказилди.

Текширилганларда инфекция жараёни босқичини аниқлаш мақсадида қон зардобидида иммун-фермент-тахлилли (ИФТ) (ЗАО «Вектор-Бест» нинг стандарт жамланмаси, Россия) ёрдамида HCVнинг қуйидаги маркерлари ўрганилди: Anti-HCVtotal, Anti-HCV core IgG, Anti-HCV core IgM, Anti-HCV NS3, Anti-HCV NS4, Anti-HCV NS5 ва HBV инфекциясини текшириш учун HBs-антиген, HBe – антиген, анти-HBs антитела, HBe IgG, HBc IgG, HBc IgM аниқланди. Унда оптик зичлик ҳисобга олинди (ОЗ –ҳажм бирлигидаги антитаначалар концентрация даражасини тавсифловчи унинг ўлчов бирлиги) ва унинг шартли кўрсаткичларида акс эттирилди. Шунингдек, текширилганларнинг қон зардобидида ИФТ (стандарт жамланмаси) усули билан қуйидагилар аниқланди: икки занжирли (ds) ДНКга аутоиммун IgG (табиий), бир занжирли (ss) ДНКга аутоиммун IgG (денатурацияланган), пепсиноген-1 (PG1) ва пепсиноген-2 (PG2), (ЗАО «Вектор-Бест», Россия), ХЦК-8 («BSM Diagnostics», АҚШ), гастрин-17 (G17) («Biohit», Финляндия), антигенларга нисбатан антинуклеар антитаначалар: RNP-70, RNP/Sm, Sm, SS-A, SS-B, Scl-70, центромер В, Jo-1 (скринингли тест) Orgentec Diagnostika GmbH (Германия), жигарнинг эриган антигенига нисбатан антитана (SLA/LP), IgG Aesku diagnostics GmbH (Германия), IgA умумий иммуноглобулини, IgG («ХЕМА», Россия). Юқоридагилардан ташқари барча беморларда биокимёвий усул ёрдамида қуйидаги жигар синамалари ўрганилди: аланинтрансаминаза (АЛТ), аспартатамино-трансфераза (АСТ), умумий ва бевосита билирубин, ишқорий фосфатаза (ИФ), гаммаглутамилтранспептидаза (ГГТП) (ЗАО «Вектор-Бест» стандарт жамланмасидан фойдаланилди).

Илмий ишни олиб бориш жараёнида жигар циррозини 2017 - 2022 йиллар давомида тарқалиши ўрганилди ва таҳлил қилинди. У вирусли гепатит негизида ривожланган ҳолларда (F0-F3) га ўтиши, яъни цирроз кузатилиши алоҳида формула билан аниқланди: $(R_2 - R_1) (t_2 - t_1)$, бу ерда R_1 -биринчи ҳисобга олиш сони (2017), R_2 -кайта ҳисобга олиш сони; t_2 -ҳисобга олиш вақти; t_1 – қайта ҳисобга олиш вақти.

Гепатит ва жигар циррози бўйича ретроспектив олинган маълумотларга асосланиб йил давомида уни тарқалиш кўрсаткичи баҳоланди ва у 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кузатувдаги беморларда йил давомида гепатит ва жигар циррозини тарқалиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ҳар йилги хасталанган гепатитлар сони	Ҳар йилги жигар циррози сони
R ₁ -биринчи ҳисобга олиш сони %	15,1	42
R ₂ -кайта ҳисобга олиш сони, %	22,9	56
R ₂ - R ₁	7,8	14
t ₁ -ҳисобга олиш вақти(йил)	42	1
t ₂ –кайта ҳисобга олиш вақти(йил)	56	5
t ₂ - t ₁	14	4
Ҳар йилги жигар циррозини тарқалиши (R ₂ - R ₁) (t ₂ - t ₁),%	1,1%	0,5%

Ҳар йили гепатитлар 1,1% ортиб борди ва улардан 0,5% жигар циррозига тўғри келди. Йил давомида 50% гепатитли беморларда жигар циррозига ўтиши кузатилади ва бунинг сабабларини ҳар тамонлама чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш амалий тиббиёт учун муҳим ҳисобланади.

Статистик ҳисоблашлар Microsoft Windows дастуридан фойдаланиб, Microsoft Office Excel-2012 ва Statistica version 6,0 дастур пакетларини қўллаган ҳолда ўтказилди. Олинган маълумотлар $M \pm m$ кўринишида акс эттирилди, бу ерда M – вариацион қаторнинг ўртача белгиси, m –ўртача белгининг стандарт хатолиги. Мустақил танловлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги Манна–Уитни ва Стьюдент усуллари бўйича аниқланди, жуфт қаторлар динамикасини баҳолашда Вильсон меъзони қўлланилди.

Диссертациянинг “**Жигар циррозини тарқалиши**” деб номланган учинчи боби 2та бўлимдан иборат. Уларнинг биринчиси «Андижон вилоятида умумий касалланишнинг ретроспектив таҳлили натижалари»га бағишланган.

Ретроспектив таҳлилда Андижон вилояти Марҳамат туманида сурункали жигар касалликлари 2017-2021 йиллар давомида ортиб борганлиги аниқланди ва ушбу маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Андижон вилояти Марҳамат туманида 2017-2021 йилларда ошқозон ҳазм қилиш аъзолари ва сурункали жигар касалликларнинг ретроспектив таҳлили


Йиллар	Код	2017	2018	2019	2020	2021
Касалликлар		йил	йил	йил	йил	Йил
Овқат ҳазм қилиш тизими	К9	3800	4200	4103	6995	7312
Жигар циррози	К73	42	60	67	51	56
Гепатитлар	К 76	870	1014	460	1051	1107

Шуни таъкидлаш лозимки, овқат ҳазм қилиш ва жигар хасталиклари билан нафақат касалланиш балки, ўлим кўрсаткичлари ҳам йиллар давомида ошиб борган. Унинг сабаблари 2017-2021 йиллардаги давлат статистика маълумотлари ва ўтказилган ретроспектив таҳлил натижаларига кўра Марҳамат туманида катта ёшдаги аҳоли орасида 2-жадвалда келтирилганидек

2017 й.-3800, 2018 й. - 4200,2019 й. – 4103, 2020 й. – 6995, 2021 йилда - 7312 нафар кишида овқат хазм қилиш тизими касалликлари кузатилган ва ошқозон ичак тизими хасталиклари билан хасталанганлар сони йилдан йилга ортиб борган ($p = 0,043$). Шунингдек, уларда жигар касалликларини ҳам (жигар циррози ва гепатитлар) стабил кўпайиши қайд этилган. Хусусан, 2017 й. - 912 нафар, 2018- 1074 нафар, 2019 – 527 нафар, 2020-1102 нафар, 2021- 1163 нафар гепатитлар ва циррозлар аниқланиб, уларнинг сони биргаликда ҳар 100 минг аҳолига ($p < 0,0001$) ўртача бир йилда 4,77 % га ортган (95 % ИИ: 3,67–5,01).

Маълумки, касалланишни назорат қилишда диспансер кузатуви етакчи ўрин эгаллайди. Шунингдек олиб биз вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра Мархамат туманида 2019-2021 йилларда диспансеризацияга жалб қилинган кўрсаткичларни ўргандик. Жигар циррози касаллиги бўйича 2019 йилда 67 нафар бемордан 27 таси диспансер кўригидан ўтган бу эса жами кузатувдагиларни 40,3% ташкил этади. 393 нафар гепатит билан хасталанганлардан 103 нафари диспансер назоратида бўлган ва бу беморлар сонининг 26% ташкил этади. 2020 йилда 51 нафар жигар циррози билан хасталанган беморлардан 25 нафари яъни 49,0% гепатит билан хасталанганларнинг эса 1000 нафаридан 52 таси яъни 5,2%, 2021 йилда 51 нафар жигар циррози билан хасталанган бемор 26 нафари яъни 51% диспансер назоратида бўлган. Маълумки, жигар циррози билан хасталанган беморлар албатта мунтазам диспансер назоратида бўлишлари лозим. Лекин диспансеризация кўрсаткичлари анча пастлиги аниқланган бўлса ҳам унинг даражаси жигар циррози билан оғриганлар орасида 2020 ва 2021 йилларда ортиб бориши (40,3% дан 51% гача) қайд этилган. Шу билан бир қаторда сурункали гепатит аниқланган беморларда диспансеризация кузатувдагилар фоизи жуда пастлиги аниқланди. Кўрсаткичларнинг пастлиги кузатувдагилар орасида касаллик ҳақида тарғибот ва ташвиқот тадбирлари яхши олиб борилмаганини тасдиқлайди.

Шунингдек, таҳлиллар беморларда жигар циррози асоратлари йилдан йилга ортиб бориши кузатилган. Ушбу касалликда улар шифохона шароитида режали равишда бир йилда камида икки мартаба даволанишлари керак. Сурункали гепатитлар сабабли шифохонада охириги 3 йилда даволанганлар бирмунча камайган ($p = 0,094$) (1 расм). Жигар циррози билан бир йилда ўртача шифохонада ётиб даволанганлар сони 130 (89%) нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2019 йилда 44 (30%) тани, 2020 йилда 58 (40%), 2021 йилда эса ўртача 78 нафар беморлар 53% ташкил этган ва фоиз кўрсаткичларнинг мос келмаслиги бир беморни йил давомида такрор шифохонада даволанишлари билан боғлиқ. Бошқа жигар касаликлари сабабли шифохонада беш йил давомида ўртача 30% дан 53 % гача беморлар шифохона шароитида муолажа олганлар (1-расм).



1-расм. Сурункали гепатит ва жигар циррози билан хасталанган беморларни 2019-2021 йилларда шифохона шароитида даволаниш кўрсаткичлари (%).

Таҳлиллар Андижон вилоятида жигар циррози сабабли шифохона шароитида даволанган беморлар сони 2021-йилга келиб 23 % га ортганини кўрсатади. Улар асосан интенсив назорат мавжуд бўлган шифохоналарда даволанганлар ($p < 0,01$). Бунга асосий сабаб беморларда жигар циррози кечишини оғирлаштирувчи асоратларни кўплиги ҳисобланади. Асоратлар орасида кўпроқ қон кетиш кузатилиб жараён 82% ҳолларда қайд этилган. Жигар циррозида қон кетишида портал гипертоник гастропатия уларни 55 % ($p < 0,001$) ташкил этганлиги аниқланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда кузатувга олинган Андижон вилояти Мархамат тумани катта ёшдаги аҳоли орасида 2022 йилда проспектив текширув ўтказилди ва унинг натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Текшириш режалаштирилган гуруҳнинг 18-70 ёшдаги ташкиллаштирилмаган танлов гуруҳлари

Текшириладиган гуруҳ > 18-70 ёшдаги ташкиллаштирилмаганлар сони	Охирги танлов рўйхати бўйича аҳоли сони	Тасодифий сонлар бўйича 10%-ли танлов	«Рози эмас» гуруҳ (воз кечган, вафот этган)		Текширилган «розилик» берган гуруҳ	
			Мутлоқ сони	%	Мутлоқ сони	%
Эркак	2038	203	14	6,9	189	95,1
Аёл	4914	491	75	15,3	416	84,7
Умумий популяция	6952	694	89	12,8	605	87,2

Андижон вилояти Мархамат туманида яшовчи катта ёшдаги 6952 нафар аҳоли орасидан тасодифий репрезентатив танлов ўтказилди ва уларни 18 ёшдан 70 ёшгача бўлганларидан 694 кишидан 605 киши текширувга розилик берган. 3. жадвалда кўрсатилганидек, биринчи гуруҳни эркаклар иккинчисини эса аёллар ташкил этди. Иккала гуруҳдан тасодифий мос равишда 10% танлов ҳосил бўлгандан сўнг умумий популяциядан 203 нафар эркак ва 491 нафар аёл гуруҳлари тузилди. Мархамат тумани худудидаги 34 оилавий поликлиникада скрининг маркази ташкил этилиб юқорида келтирилган 694 нафар кузатувдагилар тиббий кўрикдан ўтказилди ва уларнинг 87,2% розилик хати

олинди. Кузатувдагилар билан телефон орқали шахсий алоқа ўрнатилди ҳамда 3 маротаба қайта тиббий кўриққа таклиф қилиндилар.

Сўровнома ўтказилгандан кейин беморлар қуйидаги икки гуруҳга ажратилдилар: «рози эмас» гуруҳи 89 нафар (12,8%) ва «розилик берган» гуруҳ 605 нафар (87,2%). Розилик бермаган гуруҳга вафот этганлар, 70 ёшдан катталар ва яшаш жойидан кетиб қолганлар киритилди. «Розилик берганлар» гуруҳидаги беморларнинг 89 нафарида жигар циррози аниқланди (4-жадвал). Уларнинг 80 нафарида вирусли гепатит, 7 нафарида алкоғол ва 2 нафарида касаллик этиологияси аниқланмади.


4-жадвал.

Текширилган популяциядаги аҳолида жигар циррозининг тарқалиши.

Текширилган гуруҳлар	Текширилганлар сони	Жигар циррозини тарқалиши
Аёл (розилик берган.)	416	53 (8,8%)
Эркак(розилик берганлар)	189	46 (7,6%)
Умумий популяция (розилик берган)	605	89 (14,7%)
Статистик фарқ	$P < 0,05$	$P < 0,01$

Ҳар бир назоратда бўлган жигар циррози билан хасталанганларни ёши ҳисобга олган ҳолда ўрганилди ва популяцияда ёш каби хавф омилга нисбатан жигар циррози фоизи аниқланди. Ёш ортган сари жигар циррози билан касалланганлар кўпайиб бориши аниқланди. Алоҳида эътиборга олинган бу 20-59 ёш оралиғи, айти иш қобилияти жўшқин уриб турган беморлар ва улар орасида, 40-49 ёш вирус ҳамда 60-69 ёш алкоғол этиологияли жигар циррози кўпроқ кузатилди ($p < 0,01$).

Касалликни этиологик омил бўйича тарқалиши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Касалликни этиологик омил бўйича тарқалиши

Қуйидаги 5-жадвалда этиологик омилга боғлиқ ҳолда беморларда эзофагогастроуденоскопияда кузатиладиган ўзгаришлар келтирилган.

5-жадвал

Чайлд-Пью бўйича оғирлик даражасини инобатга олган ҳолда жигар циррозидида эзофагогастроуденал соҳада кузатиладиган ўзгаришлар

Эзофагогастроуду денал соха	Умумий сон n=89	Чайлд-Пью бўйича оғирлик даражаси			%	Алкоголли n=7	Вирусли гепатит В негизида	Номальмуэтиологияли n=2	Вирусли гепатит С негизида	живоқланган n=39
		A n=10	B n=32	C n=37						
Рефлюкс-эзофагит	4	1	1	2	4,5	1	2	0	1	
Сурункали гастрит	17	1	5	11	19,1	1	8	1	7	
Эрозив-ярали ошқозон ва 12 бармоқли ичак патологиялари	12	1	3	4	13,5	2	5	0	5	
Портал гипертензияли гастропатиялар	49	9	17	23	55,1	2	23	0	24	
GAVE-синдром	4	0	1	1	4,5	0	2	0	2	
Ошқозон полипи	2	0	3	1	2,2	0	1	1	0	
Шиллик қават ўзгаришсиз	1	1	0	0	1,1	1	0	0	0	
Хаммаси	89	4	42	43	100	7	41	2	39	

Эслатмалар: жадвалнинг тегишли қаторида кўрсатилган белги аниқланган беморларнинг мутлақ ва нисбий сони билан келтирилган; –Гуруҳлараро таққослаш Краскел-Уоллис мезони (р) ёрдамида амалга оширилди; сўнгра Манн –Уитни мезони ёрдамида гуруҳлар аро фарқлар аниқланди – р¹-алкоголли ва номальмуэтиологияли жигар циррози билан хасталанган беморлар ўртасида ошқозон полиплари сонидagi фарқларнинг ишончилиги – р²-ошқозон полиплари сонидagi фарқларнинг ишончилиги; Вирусли ва номальмуэтиологияли жигар циррози билан хасталанган беморлар.

Юқорида келтирганимиздек 605 нафар беморлардан 89 тасида турли этиологияли жигар циррози аниқланди. Уларнинг 10 нафарида касалликнинг А синфи, 32 нафарида В синфи, 37 нафарида С синфи қайд этилди.

Эзофагогастроскопияда (5 жадвалга қаранг) асосий кузатилган белгилар бу 55,1% портал гипертоник гастропатия, 13,5% ошқозон ва ун икки бармоқли ичак эрозия ва ярали ўзгаришлари, 19,1% сурункали гастритлар, 4,5% рефлюкс эзофагит, 2,2 % ошқозон полиплардир. Энг эътиборли тарафи бунда асосий фоиз ошқозондаги зимдан кечаётган портал гипертоник гастропатия, сурункали гастрит, эрозия ва яралар ишончли равишда ортиши кузатилган.(р<0,001).

Шунингдек, жигар циррози ташхиси қўйилган беморларда ёшларига мос равишда шикоятлари ҳамда касалликнинг клиник белгилари ўрганилди ва у б-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Кузатувимиздаги жигар циррози аниқланган беморларда қайд этилган асосий клиник белгилар (%).

Тегирилган гуруҳлар	Ўнг қовурғасоҳада оғирлик ҳисси	Зардақайнаши	Кекириш	Қўнғилайиши	Қорин дам бўлиши	Қабзият	Эпигастрал соҳадаги оғирлик	Иштаха пасайиши	Уйқу бузилиши ва эъл ашқобилиятини пасасариклиги	Тери вашиллиқ қавағларнинг рангларини	Тери қичиши	Терида томир юлдузчаларини	Киндик атрофида вена томирлари	Асцит
18-19 (1)	2	2	0	1	0	0	1	0	0	1	0	1	0	2
20-29 (2)	26	17	23	15	10	14	9	18	9	12	9	13	9	18
30-39 (3)	24	9	22	8	9	17	11	9	6	11	13	12	9	11
40-49 (4)	15	6	14	7	5	9	12	10	5	5	4	10	6	5
50-59 (5)	14	4	6	4	2	3	10	4	2	2	3	4	1	4
60-69 (6)	7	2	6	0	4	4	7	4	1	3	3	3	2	3
70 ва ундан катта ёш	1	1	1	0	0	1	1	1	1	1	0	1	0	0
Ҳаммаси	89	41	72	35	30	48	51	46	24	35	32	44	28	41

Жадвалда келтирилганидек жигар циррози билан хасталанганларда энг кўп учраган шикоятлар ўнг қовурға ёйи остида оғирлик ҳисси 89%, асцит 82%, кекириш 72 %, қабзият 48 %, иштаха пасайиши 46 %, эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси 51 % ҳолатларда кузатилди. Шунинг эса тутиш лозимки, кўп учраган шикоятлар нафақат жигар циррозини асосий клиник белгиларини ифодалайди, балки юқори ошқозон ичак тизимидан қон кетиш ҳолатида кузатиладиган предикторлар ҳам ҳисобланади. Шу сабабли жигар циррозида клиник белгиларни ривожланиш механизмларини ўрганиш илмий-амалий тиббиётнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ошқозон ичак тизимининг юқори қисмидан қон кетиш хавфи нафақат портал гипертензия балки шиллик қавағга таъсир этувчи бошқа омилларни ўрганиш ҳам ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири саналади.

Диссертациянинг **“Жигар циррозида портал гипертоник гастропатиянинг ривожланиши”** деб номланган тўртинчи боби 5 та кичик қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми **“Жигар циррозида меъда шиллик қавағидаги ўзгаришлар ва ошқозондан қон кетиш предикторларини”** ўрганишга бағишланган. Кузатувимиздаги 89 нафар жигар циррози билан оғирган беморларда эзофагогастроуденоскопия (ЭГДС) ўтказилганда

ошқозондаги асосий ўзгариш сабаблари сурункали гастрит, ошқозон эрозияси ва яралари ҳамда портал гипертоник гастропатиялар эканлиги аниқланди. Барчасини анамнезида ошқозон ичакадан қон кетиш, асцит, юқори билирубин, ПТИ пасайиши, Чайлд-Пью бўйича С синф, жигар веноз оқим кўрсаткичи 12 мм см. уст. дан юқорилиги аниқланиб текширув натижасида уларни портал гастропатия билан боғлиқлиги кузатилди. Портал гипертоник гастропатиянинг асосий сабаби ошқозон шиллик қаватларини шикастланиши деб топилди ва у ошқозон ичак йўллариининг юқори қисмидан қон кетиш сабабларидан бири деб ҳисобланди. Аммо, шу билан бир қаторда қизилўнғач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан ўткир ҳамда сурункали қон кетиш сабаблари ҳозирча яхши ўрганилмаган. Жигар циррози билан хасталанган беморларда қон кетишни асосий сабабларидан бири портал гипертоник гастропатия (ПГГ) ҳисобланади. Гастропатияни оғирлик даражаси билан портал босим, Чайлд-Пью синфи ва тизимли гемодинамика билан корреляцион боғлиқлик аниқланмаган ҳамда портал гиперкинетик гастропатия физиопатологияси сабаблари бошқа хавф омиллари бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ғоялар олдинга сурилган. Гистамин, ацетилхолин ва грелин шира ишлаб чиқарилишини қитиқласа, соматостатин, холецистокинин, бўлмача натрийуретик пептид ҳамда азот оксиди ошқозон ширасини пасайтиради.

Тўртинчи бобнинг иккинчи қисми “В вирусли жигар циррози билан хасталанган беморларда холецистокинин-8 ва гастрин-17 жигар маркерлари кўрсаткичларининг ўзига хосликлари” деб аталган. Унда ўтказилган тадқиқот натижалари Чайлд Пью таснифи бўйича В вирус этиологияли жигар циррози ташхисланган 41 нафар, С вирус этиологияли 39 нафар, 2 нафар номаълум ва 7 нафар алкоғол этиологияли беморларда ошқозон ичак тизимини ўрганиш учун биокимёвий ва иммунофермент таҳлиллар келтирилган. Унинг натижасида В вирусли жигар циррози А синфида шахсларда Anti-HBs ҳамда Anti-HBcIgG нинг серологик маркерлари кўплиги аниқланди ва уларда оптик зичлик юқори белгиларга эга бўлди. Бунда Anti-HBe IgG оптик зичликнинг кичик белгилари жуда кам эканлиги қайд этилди.

Пепсиноген 1 кўрсаткичлари Чайлд - Пью бўйича жигар циррозининг А синфида меъёрнинг куйи чегарасидан кам бўлди. Шу билан бир қаторда пепсиноген-2 меъёр чегарасида, аммо В вирусли В синфдаги жигар циррозида меъёрдан бир неча мартаба юқорилиги аниқланди. Жигар циррозининг С синфида жигар фаолияти яққол бузилиши намоён бўлди ва бу ХЦК-8 ҳамда гастрин-17ни ортишига олиб келди. В вирусли жигар циррози А синфидаги беморлар қонида ХЦК-8 меъёрдан сезиларсиз даражада ошганлиги қайд этилди. Гастрин-17 кўрсаткичлари эса меъёр даражасидан ишончсиз юқори, пепсиноген-1 ва пепсиноген-2 меъёр чегарасида эканлиги аниқланди. Бу А синфдаги жигар циррози билан хасталанган беморларда меъда безлари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Олинган маълумотлар В вирусли жигар циррози билан хасталанган беморларда меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари функционал фаоллиги пасайишини белгиси ҳисобланади ва бунга атрофик гастритнинг яширин шакли деб қараш

мумкин. Сурункали атрофик гастрит эса меъдани шиллик каватидаги шикастланишларнинг асосий сабабларидан бири саналади. Биз олган натижалар ХЦК-8 кўрсатилган ўзгаришлар ривожланишига сабаб дейишга асос бўлади. Қуйидаги 7-жадвалда С вирусли жигар циррозида HCV зардоб маркерларининг оптик зичлиги кўрсаткичлари келтирилган.

7-жадвал

С вирусли жигар циррозида HCV зардоб маркерларининг оптик зичлиги кўрсаткичлари

HCV зардоб маркерлари	Чайлд –Пью бўйича А синф		Чайлд –Пью бўйича В ва С синф	
	%	Оптик зичлик	%	Оптик зичлик
Anti-HCV total	72,5±6,8	1,762±0,18	68,9±7,1	1,917±0,18
Anti-HCV coreIgG	83,1±7,6	1,945±0,21	79,2±8,3	1,698±0,17
Anti-HCV coreIgM	-	-	85,4±9,1	2,014±0,19
Anti- HCV NS3	-	-	74,1±7,9	0,642±0,07
Anti- HCV NS4	57,3±6,2	0,529±0,06	87,5±9,4	2,323±0,24
Anti- HCV NS5	47,5±5,1	0,683±0,07	81,3±8,5	2,142±0,22

С вирусли А синфдаги жигар циррозида кўпинча Anti-HCV total ва Anti-HCVcore IgG, серологик маркерлар аниқланади. Уни С вирусли жигар циррозининг В ва С синифлар билан солиштирганда уларда оптик зичликининг юқори белгилари кузатилди. Бунда Anti- HCV NS4 ва Anti- HCV NS5 нисбатан кам аниқланди ва оптик зичлик белгилари юқори бўлмади (6-жадвал). Жигар циррозининг А синфида Anti-HCV total, Anti-HCVcore IgG нинг серологик маркерлари, В ва С синфларга нисбатан камроқ қайд этилди. Ушбу беморларнинг аксарият қисмида Anti-HCV core IgM, Anti- HCV NS4 ва Anti- HCV NS5 аниқланди. Бунда оптик зичлик белгилари ва жигар циррозининг А синфида нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Шу билан бир қаторда жадвалда келтирилганидек Anti-HCV NS3 маркери жуда кам ҳолларда оптик зичликиннинг паст кўрсаткичлари билан учради.

Тўртинчи бобнинг “С вирусли жигар циррози билан хасталанган беморларда меъданинг овқат ҳазм қилиш гидролазалари, шунингдек, холецистокинин ва гастрин-17 да жигар маркерлари кўрсаткичларининг ўзига хосликлари” деб номланган қисмида ушбу вирусли жигар циррозининг Чайлд-Пью А синфида (8 -жадвал) жигар синамалари хусусан, умумий билирубиндан бошқа кўрсаткичлар меъёрга нисбатан ишончли юқори эканлиги аниқланган. Уларда қондаги пепсиноген -1 кўрсаткичлари меъёр чегарасидан ишончли паст бўлди. Пепсиноген-2 нинг кўрсаткичлари эса меъёрга нисбатан солиштирилганда аҳамиятсиз юқорилиги қайд этилди ва меъёр чегарасида сақланди. Бунда қондаги ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари бирмунча юқори бўлса ҳам меъёрнинг юқори чегарасидан аҳамиятсиз даражада ошди.

С вирусли жигар циррозининг В ва С синфларда барча ҳисобга олинган унинг синамалари ЖЦ А синфига нисбатан ишончли юқори бўлди. Шунингдек, ушбу гуруҳ беморларда пепсиноген-1 кўрсаткичлари меъёрнинг куйи чегарасидан кам ва ЖЦ А синфига нисбатан ишончли паст бўлди. Шу билан бир вақтда пепсиноген-2 кўрсаткичлари, меъёр чегарасида, аммо ЖЦ А синфидан нисбатан бир неча марта пастлиги, ХЦК-8 ҳамда гастрин-17 кўрсаткичларини эса А синфига нисбатан ишончли юқорилиги ва меъёрнинг юқори чегарасидан 2,5 марта ошганлиги қайд этилди.(8-жадвал)

8-жадвал

С вирусли жигар циррози билан хасталанган беморлар қонида аниқланган кўрсаткичлар

Зардоб маркерлари	Чайлд –Пью бўйича А синф	Чайлд –Пью бўйича В синф	Чайлд –Пью бўйича С синф
Жигар синамалари			
АСТ(ммоль/(мл/с)) (меъёр 0,1-0,68)	0,21±0,02	0,91±0,13**	1,09±0,09**
АЛТ(ммоль/(мл/с)) (меъёр 0,1-0,68)	0,36±0,04	1,24±0,13*	2,26±0,13**
Умумий билирубин (мкмоль/л) (меъёр 8,5-20,5)	13,6±1,2	29,3±5,3*	41,5±6,7**
Билвосита билирубин(мкмоль/л) (меъёр 0-5,0)	2,0±0,1	5,4±0,87*	14,2±4,27**
Протромбин индекси (ПТИ), меъер (80-105)	79±1,2	68±2,2*	56±3,2**
Қон гидролазлари			
Пепсиноген-I(мкг/л) (меъёр 40–130)	117,4±15,3	41,9±5,3*	14,5±2,3**
Пепсиноген-II(мкг/л) (меъёр 4–22)	12,5±1,5	19,4±2,1	10,2±1,4**
Пептидлар			
ХЦК-8 меъёр 0,5–1 нг/мл	1,01±0,08	1,16±0,11*	2,56±0,26**
Гастрин17 меъёр < 7 пмоль/л	6,6±0,45	9,1±0,82*	15,3±1,6**

* - референс кўрсаткичларга нисбатан ишончлилик даражаси; ** - компенсация босқичига нисбатан ишончлилик даражаси.

Шундай қилиб, С вирусли жигар циррозида: зардобда пепсиноген-1 концентрациясини 40 мкг/л га ва бир вақтда хлорид кислота ажралиб

